

Ҳамдам Содиқов

**СУЛТОН  
ЖАЛОЛИДДИН  
МАНГУБЕРДИ**



«ART FLEX»  
Тошкент – 2009

63.3(5У)  
C 28

*Султон Жалолиддин Мангуберди  
тавалудининг 810 йиллигига бағишиланади*

**Содиков, Ҳамдам.**

**C 28 Султон Жалолиддин Мангуберди:** Тарихий қисса/ Ҳамдам Содиков. – Т.: ART FLEX, 2009. – 54 б.

Мазкур китобда сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчилариға қарши олиб борган мардана кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Ватанга муҳаббат, озодлик ва мустақиллик ғояларига умрининг охиригача содик қолган Жалолиддин тимсоли ёш авлодга намуна қилиб кўрсатилади.

ББК 63.3 (5У)



**ISBN 978-9943-301-54-2**

© «Ўзбекистон» нашриёти, 1999  
© «Чўлпон» нашриёти, 1999  
© «ART FLEX» нашриёти, 2009



## ОНА ҚАРОРИ

Кузбор Малик малика ҳузурида эҳтиром ила бош эгди:

– Йўқлаган экансиз, маликам!

Ойчечак унга ёнидан жой кўрсатиб, ўтиришга имо қилди.

– Сиз яқинимсиз, Кузбор оға, – деди у нигоҳини унга тикиб, – шунинг учун сизга ишонаман.

– Маликам!

Кузбор унинг қаршисида тиз чўкди.

– Буюринг, не юмуш? Нима қиласай? Қайга борай?

Ойчечак қўли билан ўтиришга жой кўрсатди.

– Оға, ўтиринг.

Кузбор садоқат тўла нигоҳини унга тикиб сўз қотди:

– Сиз буюк Хоразмшоҳ рафиқаси – мен қулингизман, холос.

Ойчечак миннатдорлик билан унга қараб, деди:

– Сизга, оғам, зарур юмушим бор. Ўғлим Жалолиддинни қулингизга топширмоқчиман. Уни тарбия қилинг. Токи у инжиқ-тантик шахзода эмас, балки чинакам баҳодир йигит бўлсин!

Кузбор розилик ишораси билан бошини эгди.

Ойчечак олтин тўла ҳамённи унга узатди. Малика эътиро-  
зга оғиз жуфтламоқчи бўлган Кузборга энди амр этди:

– Жалолиддинни ўз оталифингизга олиб, яхши тарбия  
берасиз. Уни аяманг. Билган нарсангизни ўргатинг. Алп йи-  
гит бўлсин. Худога шукр, саводини чиқарди. Зеҳни ўткир.  
Аммо сиз унга ҳарбий илмни астойдил ўргатинг. Мен сизни  
ҳозирги хизматингиздан озод қилдирман. Вазифангиз фақат  
ўғлим билан шуғулланиш! Бу фақат менинг эмас, балки  
Хоразмшоҳнинг ҳам амридир!

– Бош устига, маликам! – Кузбор Ойчечак кўзига тўлган  
ёшларни сезмасликка ҳаракат қилди.


– Уни юз-хотир қилманг. Жалолиддин – валиаҳд, аммо  
буғундан эътиборан шогирдингиз, ўқувчингиз.

Кузбор Малик кетгач, Ойчечак ўзини йигидан тўхтата ол-  
мади. Она учун ўғлининг ўзидан узоклашиши нақадар оғир  
эди. Аммо саройда уни ҳам, фарзандини ҳам кўролмайди-  
ганлар бор. Ойчечакни хушламайдиган қайнонаси Туркон  
хотун неварасига ҳам эътиборсизроқ эди. Ойчечак саройда  
туриш, шаҳзода бўлиш осон эмаслигини англар ва шу боис  
ҳамма нарсага тайёр бўлиш зарурлигини қалдан ҳис этар-  
ди.

## УСТОЗ ЎГИТЛАРИ

Мамлакатнинг кўркам вилоятларидан бирида Кузбор  
Малик шаҳзода учун қароргоҳ ҳозирлади. Бу ерда унинг  
асл зотли мингга яқин йилқилари боқилар эди. У шаҳзодага  
биринчи навбатда от минишни ўргатди.

– Йилқиларнинг орқасидан борсангиз, тепади, – деди Куз-  
бор, – олдидан борсангиз тишлайди. Бундай отни ёнбошидан  
бориб, чап томондан бўлса – чап қўл билан, ўнг томондан



бўлса – ўнг қўл билан унинг ёлидан тутиб тезлик билан ўзингизни устига олинг. Отни ҳар қанча юргурганига қараманг. Ёлини қўлдан чиқарманг. Агар ёл қўлдан чиқса, ерга қаттиқ йиқилиш мумкин – отнинг оёклари остида қолиш хавфи ҳам бор. Отнинг устида ўрнашиб олгандан кейин икки тиззалаб отни сикиб туриб, ёлини қўйиб юборинг, от минилмаган бўлса ҳам, чопиб-чопиб ўзи ювошланиб қолади.

Улар ҳар куни овга чиқишар эди. Жалолиддин от чоптириб ёйдан отмоқни – ўнгдан, сўлдан, олдиндан ва орқадан мўлжалга урмокни ўрганди.

Кузбор Малик унга икки қўлда қилич ишлатиш ва чавандозлик маҳоратини намойиш қилди. Кузбор tengи йўқ чавандоз эди. У уч отни ёндаштириб, биринчисидан учинчисига, учинчисидан биринчисига, сўнг иккинчисига эпчиллик билан сапчиб ўта олар, чопиб бораётган отда эгарнинг устидан унинг ёнбошига эгилиб, кўздан ғойиб бўла оларди. Жалолиддин ҳам шундай машқлар қила бошлади.

Кузбор жанг-жадаллар кўрган бўлиб, Жалолиддин унинг ҳикояларини завқ билан тинглар, айниқса, Хоразмшоҳлар тарихига оид воқеаларга жуда қизиқар эди.

Кузбор ҳикояларидан Жалолиддин кўп нарсаларни англади. Хоразмшоҳлар ўз тарихи ва насабини Ануштегиндан – ғуломликдан бошлаган. Салжуқийлар сultonи Маликшоҳ I (1072–1092) Ануштегинни садоқатли хизмати эвазига Хоразм доруғаси мартабасига кўтаради. Унинг ўғли Кутбиддин Муҳаммад эса кейинчалик Хоразм ҳукмдори қилиб тайинланиб, расман Хоразмшоҳ мартабасини олади. Сўнг Хоразмшоҳлар тахтига Кутбиддиннинг ўғли – 29 ёшли Аловуддин Отсиз ўтиради. У адолатли ҳукмдор ва жасур саркарда бўлган. Отсиз отаси каби салжуқийлар сultonи Санжарга садоқат билан хизмат қилса ҳам имкон туғилганда

мустақил ҳукмдор бўлишга интилар, шу боисда кўпинча султон билан жанг қилишига тўғри келарди.

Салжукийлар давлати XI асрнинг иккинчи ярмида Эрон, Хурсон, Озарбайжон, Мозандарон, Дашиб қипчоқ, Журжон, Ироқ ва Хоразм мамлакатларини ўз ичига олган бўлиб, пойтахти Марв шаҳри эди.

Хоразм шоҳлиги салжуқийлар империясидан мустақил давлат бўлишга интилиб, Отсиз даврида кўп уринди. Жалолиддин Кузбор Малиқдан бобоси Алоуддин Такаш ҳақида ҳам кўп ҳикоялар эшитди. Қишининг узун кечалари манқал атрофида Малик шаҳзодага достону ривоятлар қаторида бобоси Такаш қўлида хизмат қилган даврларида кўрган-кечирганларини сўзлаб берар эди.

1172 йили Такаш расман Хоразмшоҳ деб эълон қилинган. У истеъдодли саркарда, моҳир сиёsatчи ва санъатсевар ҳукмдор бўлган. Бир куни душманлари ёлланма қотилни унинг қароргоҳига ўтказиб юборишади. Қотил қароргоҳга яқинлашганда бир ажойиб мусиқа янграйди.

Такаш удда машқ қилиб, ашула айтар эди. Қотил унинг сўзларидан даҳшатга тушди. «Мен сени танидим, коч, ўз жонингни аспа!» Ашуладаги бу сўзларни ўзига тегишли деб ўйлаган қотил қочади.

— Бобонгиз Такаш, — деди Малик бир куни, — охири баҳайр бўлмайдиган бир ишга қўл урди. У қипчоқлар билан ҳарбий иттифоқни кўзлаб қипчоқ хони Жонкишининг қизига уйланди. У эса ўзи билан Хоразмга ўзига содик қорлук, ўғроқ, халажларни олиб келди. Туркон хотун, сизнинг бувингиз, Хоразмшоҳлар давлатига фалокат олиб келмаса, деб кўрқаман.

Малик шаҳзодага ҳозир Хоразмда икки ҳукмдор – унинг отаси Муҳаммад ва бувиси Туркон хотун борлиги, иккиси-





нинг фармонлари бир-бирига зидлиги ҳақида ҳам гапириб берди.

– Икки қўчкор боши бир қозонда қайнамас, шаҳзодам. Туркон хотун онангизни ёқтиримайди. Чунки, сир эмаски, у кипчоқ уруғидан, онангиз эса туркман уруғидан. Кўрқаманки, у сизни валиаҳдликдан ҳам тушириб, ўрнингизга ўз уруғидан бўлган укангиз Ўзлоғшоҳни тайинламаса...

## БИРИНЧИ ТЎҚНАШУВ

Жалолиддин ўн уч ёшидан бошлаб отаси билан ҳарбий сафарларга чиқа бошлади. Лекин мўғуллар билан илк жанг қилганида у ўн етти ёшда эди. Улар Самарқанддан жўнаб, Жанд орқали Иргиз дарёсига етишли. Олтмиш минг кишилик лашкар Турғайга келганида олдиларида мўғуллар пайдо бўлди.

Интизомли ва уюшган қўшин тузган Чингизхон 1209 йилда Тангутни, 1211 йилда Шимолий Хитойни, 1215 йилда эса Пекинни забт этиб, энди Еттисувга – Хўтан, Ёркент, Қашқар, Фарғона вилоятларини ўз ичига олган давлатга нигоҳини тикади. Давлат ҳукмдори Кучлук найман қабиласидан бўлиб, мусулмон аҳолисини таъқиб этарди. У оташпаст ва насронийларга ҳомийлик қиласиди. Шунинг учун Чингизхон унга ҳужум қилганида мусулмонлар Кучлукка ёрдам беришмади. Чингизхон Найман давлатини ҳам ўзига қўшиб олиб, Хоразмшоҳлар юртига кўз тика бошлади.

Шундай қилиб, 1216 йилнинг ёзида Қашқарга йўл олган Хоразмшоҳ Муҳаммад Иргиз дарёси яқинида Чингизхоннинг ўғли Жўжихон бошлиқ мўғуллар лашкари билан учрашди. Турғайдаги бу учрашув кутилмаган бир ҳол эди. Мўғуллар ҳам Хоразмшоҳ лашкарлари билан тўқнашувни

кўзда тутмаган эдилар. Шу туфайли Жўжихон Хоразмшоҳ Муҳаммадга элчи юборди.

– Биз сиз билан жанг қилмаймиз. Улуғ хон сиз билан урушмоқни буюрмади.

Хоразмшоҳ Муҳаммад унга бошқача жавоб қилди:

– Агар Чингизхон сизларга мен билан жанг қилишни буюрмаган бўлса, Аллоҳ таоло менга сизлар билан жанг қилишни буюрди. Демак, жанг қиласиз!

Хоразмшоҳ Муҳаммад мусулмон давлатлари хукмдорлари ичидаги буюк саркарда ҳисобланар эди. У ўз вақтида Қорахитой подшоси Гурхонни енгиб, Мовароуннахрдан ҳайдаб чиқарган ва яна бошқа кўп юришлар қилганди. Шу туфайли, ўзига “Искандари соний” деган рутба олганди.

Мана, энди унинг лашкарлари мўғуллар билан юзма-юз турарди. У энди уларга ўз кучини кўрсатишга яратилган имкониятдан фойдаланишни ўйлади. Хоразмшоҳ олтмиш минг аскарини уч қисмга бўлди, бирига Жалолиддинни лашкарбoshi қилиб тайинлади ва пистирмада туришни буюрди.

Мўғуллар хужумга ўтишди. Аёвсиз жанг бўлди. Хоразмшоҳ ўз лашкарларининг бундай катта кучга бас келолмаслигини англади: унинг лашкари душман сиқувига дош беролмади. Ана шунда Жалолиддин ўзининг хос лашкарлари билан жангга кирди ва душманга қақшатқич зарба берди. Ўч кунлик жангдан кейин мўғуллар тунда ҳийла ишлатиб ёнаётган гулханларни ташлаб ўз қароргоҳларини тарк этишди.

Жалолиддин мўғулларнинг юксак ҳарбий интизоми ва жанг услубини кўриб, ўзига хуносча чиқарди: бу душман билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у отасига Чингизхон ва унинг давлати ҳақида кўпроқ ахборот олиш зарурлигини уқтириди. Хоразмшоҳ бу маслаҳатни маъқул кўрди.



## ХАРБИЙ КЕНГАШ

Биринчи тўқнашувдан кейин Хоразмшоҳ билан Чингизхон ўртасида дастлаб алоқалар яхши бўлди. Чингизхон Муҳаммад Хоразмшоҳ элчиси Баҳоуддин Розийни иззат-икром билан кутиб олди. Унга ўзини – Шарқ, Хоразмшоҳни – Ғарб хукмдори сифатида билишини айтди. Катта савдо карвони билан келган иккинчи Хоразм элчисини ҳам Чингизхон яхши қабул қиласиди. Мусулмон савдогарлари хурсанд ҳолда Хоразмга қайтишади. Чингизхон ўзининг шахсий элчиси ва карвонбошиси сифатида хоразмлик Маҳмуд Ялавочни Хоразмшоҳ хузурига юборади. Мўғул хони ўз номасида Хоразмшоҳни құдратли сulton сифатида билиши ҳамда суюкли фарзандлари қатори қўришини айтади. Бу эса сиёsatчилар тилида Хоразмшоҳ Чингизхонга тобе ҳукмдор эканлигига ишора эди. Ўзини Искандари соний деб улуғлаган Хоразмшоҳга мактубдаги бу гап, албатта, ёқмади.

Аммо Муҳаммад ўзини босиб, Маҳмуд Ялавоч билан маҳфий сухбат қурди ва унга диндош сифатида Чингизхон саройида жосуслик қилишни таклиф қилди. Маҳмуд бир ўқ билан икки қуённи уришни кўзлаб, бунга рози бўлди. У икки томонга ҳам яхши хизмат қилди.

1218 йили Чингизхоннинг 500 туя ва 450 кишидан иборат карвони Ўтрорда тўхтади. Бу элчилар ва савдогарлар карвони Хоразмшоҳ юртида жосуслик вазифасини ҳам бажариши кўзда тутилган эди. Ўтрор ҳокими Фойирхон Инолчиқ Туркон хотуннинг қариндоши бўлиб, саройда нуфузи баланд эди. У мўғул карвонидагиларни жосусликда айблаб, барча элчиларни ўлдириш ва молларини мусодара қилишни буюрди. Хоразмшоҳ Ўтрор ҳокимининг бу ишини маъқуллади.

Чингизхон изоҳ талаб қилиб Қафроҳ Бўғрани икки му-

лозими билан Хоразмшоҳ ҳузурига юборди. Бўғра Ўтрор ҳокимини Чингизхонга юбориш ва мол-мулкларни қайтариш хисобига икки давлат ўртасидаги тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигини айтади.

Жалолиддин элчи талабини бажариш лозимлигини отасига тушунтиради. Аммо Хоразмшоҳ Муҳаммад элчини ўлдиришга, ҳамроҳларининг соқолларини қирқишига фармон берди. Бу иш дунёдаги икки қудратли султон ўртасида урушни муқаррар қилиб қўйди.

1219 йил март ойида Самарқандда Хоразмшоҳ ўз лашкарбошиларини ҳарбий машваратга йиғди. Саройдаги анжуманда Жалолиддин саркардалар ўртасида яқдиллик йўқлигини хис этди. У мўғуллар билан жанг оқибати яхши бўлмаслигини англар эди.

Чингизхоннинг йўлга чиққани ҳақидаги хабар ҳарбий кенгаш – машварат аъзоларини ҳам ўйлантириб қўйди. Жалолиддин мўғуллар билан биринчи тўқнашувдаёқ уларнинг ҳарбий илмдаги маҳоратига тан берган эди. Хоразм давлати қандай катта ва қудратли имкониятларга эга бўлмасин, унда марказий ҳокимият бўшлиги, бирлик йўқлиги, лашкарбошилар бебошлиги яққол кўриниб турагэди. Машваратда ўртага ташланган фикрлар ҳам ана шундай яқдиллик йўқлигини кўрсатди. Хоразмшоҳ Муҳаммад буни тан олмас, тан олганда ҳам бошқа иложи йўқ эди. Бу ҳолдан Жалолиддин изтироб чекарди.

Ҳарбий кенгаш кучлар нисбатини кўриб чиқди. Хоразмшоҳда 400 минг отлик, пиёда лашкар борлиги аниқланди. Султоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан Шихобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивақий ана шу улкан кучни Сирдарё соҳилига тўплаб душманга зарба беришни таклиф қилди. Ҳарбий жиҳатдан бу ягона тўғри режани Жалолиддин ҳам

маъкуллади. Шаҳзода мўғулларни Хуросон ва Ироқقا ўт-казмай, Мовароуннахр худудида зарба беришни айтди. Яна бир таклифи эса душманни Газнага чекинган ҳолда тўсатдан куршовга олиш бўлди.

Аммо Хоразмшоҳ саркардаларига ишонмаганлиги учун бу таклифларни қабул қилмади. У Самарқандни катта девор билан ўрашни, аҳолидан солиқ йиғиб янги сарбозларни ёллашни, бор кучларни шаҳарларга тақсимлашни буюрди. Хоразмшоҳнинг бу фармони кучларни парчалаб, Чингизхонга давлатни айрим-айрим ҳолда босиб олишга қулайлик яратди.

## БЎЛИНГАННИ БЎРИ ЕР

Чингизхон лашкарларини тўрт қисмга ажратди. Ўғиллари Чигатой ва Ўктойни Ўтрорга, Жўжихонни Жанд ва Барчинлиғентга, саркардалари Улоқ нўён ва Сўқатой Чарбини Хўжандга юборди. Ўзи эса ўғли Тулуй, лашкарбошилари Жаба ва Субутой нўёнлар билан Бухорога юриш бошлади.

Мўғуллар Ўтрорда қаттиқ қаршиликка дуч келишди. Ўт-рор ҳокими Туркон хотуннинг қариндоши Ғойирхон Инолчиқ Чингизхон қўлига тушса соғ қолмаслигини яхши билар эди, чунки Чингизхон юборган беш юз туяли карвонни йўқ қилган шу ҳоким эди.

Ўтрор олти ой мўғуллар ҳужумини мардона қайтариб турди. Бу эса Хоразмшоҳга янги қўшин тузиш учун имконият берар эди. Лекин Ўтрорда хиёнат юз берди. Туркон хотун томонидан ёрдамга юборилган Корача Ҳожиб ўз жонини сақлаш учун ўттиз минг отлиқ қипчоқ қўшини билан кечаси дарвозаларни очиб, мўғуллар тарафига ўтиб кетди. Аммо Чингизхоннинг ўғли хоин лашкарбошига илтифот қилмади.

Қорача Ҳожибга отлардан тушиб бошқа тарафға сафланишни амр қилди. Чигатой ишораси билан мұғуллар қипчоқ аскарларининг барчасини чопиб ташлашди. Қорача Ҳожибининг ҳам калласи кесилди. Сүнг мұғуллар шаҳарни эгаллашди. Ўтрор ҳокими Инолчиқ қаттиқ олишувдан сүнг асир олиниб, Чингизхон хузурига жүнатилди.

Мұғуллар Хўжандда ҳам кучли қаршиликка дуч келишди. Истеъдодли лашкарбоши Темур Малик шаҳар мудофаасига пухта тараддуд кўрган эди. Хоразмшоҳ лашкарбошилари ўртасида ўзининг мардлиги ва жасорати билан ажралиб турган Темур Малик мұғулларнинг 70 минг лашкарига қарши жанг қилди. Бу лашкарда 20 минг мұғул, 50 минг асирлар бор эди. Бу билан у кўпроқ душманни банд этиб, Хоразм ичкарисидаги шаҳарларнинг мудофаасига ёрдам берди. Ниҳоят, у кучлари оз қолгач, минг нафар лашкари билан шаҳардан чиқиб кетди. Сирдарёдаги мустаҳкамланган ороллардан бирига бориб ўрнашди. Мұғуллар Темур Малик орқасидан қувиб, унинг лашкарини қириб ташлашга уринишли. Аммо уддасидан чиқа олмадилар. Шундан кейин асирларга атрофдан тош тердириб келиб, оролга ўтадиган йўлак қуришни буюрадилар. Лекин бу ниятлари ҳам амалга ошмади. Чунки Темур Малик ўз лашкарлари билан кечаси баржаларда қирғоққа сузиб келиб, мұғулларнинг кун бўйи қурган иншоотини бузиб ташлайди. Усти ёпиқ ўн иккита қайик Темур Малик буйруғига мувофиқ, сирка шимдирилган намат билан ўралиб, тепаси лой билан сувалган эди. Бунинг натижасида қайиқдаги одамларга отилган ўклар ва оловли идишлар зарар етказа ошмади. Темур Малик барча лашкарларини кемаларга жойлаб қуршовни ёриб чиқиб, кечаси навкарлари билан дарёning қуи оқими бўйлаб сузиб кетди. Дарёning ўнг ва чап қирғоги бўйлаб мұғуллар борар ва кемалардаги навкарларга ўқ узишар, палахмонлардан нефть



тўла оловли идишларни отишар эди. Шу зайлда Темур Малик Жанд шаҳрига яқинлашди. Аммо йўлда у душман пистирмасига дуч келиб, қонли олишувларда қарийб барча лашкарларидан жудо бўлди. Энди у нима қилиб бўлса ҳам пойтахтга етиб бориб, Жалолиддин билан учрашишни ўйларди. Тенгсиз олишувлардан сўнг, паҳлавон лашкарбошининг кетидан уч мўғул таъқиб этишади. Темур Малик улардан бирини ярадор қилиб, иккитасига бундай дейди:

– Менда иккита ўқ қолди. Лекин шу иккита ўқ ҳам сенларни ўлдиришим учун етади. Яхиси, икковинг ҳам орқага қайтиб, ҳаётингни сақлаб қол!

Мўғуллар Темур Малик важоҳатидан даҳшатга тушиб қочиб қолишади. «Зўр зўрни кўрса – писади» нақлидагидек, қаттол душман ўзидан кучли ботирни кўрган эди.

## КЕЧИККАН ЭЪТИРОФ ВА МУҲАММАДНИНГ АРМОНИ

Чингизхон ҳужуми буюк Хоразмшоҳ Муҳаммад давлатидаги ички парокандалик, маҳаллийчилик ва уругбозликнинг мудҳиш оқибатларини юзага чиқарди. Мамлакат ҳам, халқ ҳам, лашкар ҳам икки ҳокимииятчиликнинг асоратидан зарар кўрди. Туркон хотун шахсий манфаатлари йўлида ўғли Муҳаммад ҳокимиятини ичдан емирувчи сиёsat юргизар эди. Табиатан мард, лекин рашқчи ва қасоскор бу аёлдан ҳамма ҳайиқарди. Унинг талаби билан Хоразмшоҳ тўнғич ўғли Жалолиддин ўрнига Қутбиддин Ўзлоғшоҳни валиаҳд қилиб тайинлашга мажбур бўлди. Ўзлоғшоҳнинг онаси Туркон хотун уруғидан эди.

Кетма-кет мағлубиятлар, мўғулларнинг таъқиби, лашкарбошиларнинг хиёнати Хоразмшоҳнинг тамоман руҳини ту-

ширди. 1220 йил декабрь ойида у мўғуллардан қочиб Гурғон дарёсининг денгизга қуилиш жойига етиб келди ва Каспий денгизидаги Ашур ада оролидаги қалъага беркинди. Қалъада у ўғиллари Жалолиддин, Ўзлоғшоҳ, Оқшоҳ ва мулозимлари, навкарларини хузурига чақириб, бундай деди:

– Ҳокимият иплари узилди, салтанат асослари бўшашиди ва бузилди. Душманнинг мақсади аён. Унинг чангали ва тишлари мамлакатга қаттиқ ботди. Энди мен учун фақат ўғлим Жалолиддингина қасос олиши мумкин. Мен уни таҳтга валиаҳд этиб тайинлайман.

Хоразмшоҳ белидаги олмос қиличини ўғлининг белига боғлади.

– Суюкли ўғлим! Сенга Хоразм шоҳларининг муқаддас шамширини тутқазаётирман. Ишонаман, қонга ботган буюк Хоразм учун душмандан интиқом оласан.

Хоразмшоҳ Мұхаммад икки ўғли – Ўзлоғшоҳ ва Оқшоҳга, навкарлари ва мулозимларига ўғлини кўрсатиб деди:

– Мана, қаршингизда Хоразмшоҳ – Султон Жалолиддин турибди. У навқирон ва жасур! Унга садоқат билан хизмат қилинглар! У билан сизларга зафар ҳамдам бўлғай!

Жалолиддин шу топда отасининг аҳволига юраги ачишди. Қачонлардир ўзини Искандар Зулқарнайнга тенгглаштириб, Искандари соний деб атаган, ҳар куни Урганчда эрталаб ва кечқурун 27 давлат ҳукмдорларининг болалари 27 та олтин ноғорада шаънига куй ижро этишган улуғ ҳукмдор отасининг аҳволи чиндан ҳам ночор эди.

– Жуда катта мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, – деди ота ўғлига маъюс боқиб, – ўзимизга гўр қазиш учун икки қулоч ер ҳам қолмади.

Бу унинг сўнгги армони эди. У денгиздаги бу оролда орадан кўп ўтмай вафот этди. Муаррихларнинг ёзишича,



«дунёнинг буюк султонини ўраш учун ҳатто кафан ҳам йўқ эди». Мўғулларга қарши курашган Жалолиддиннинг буйруғи билан Мухаммаднинг майити кейинчалик Ардахн қалъасига олиб келинади. Лекин унинг жасади гўрдан олиниб мўғуллар томонидан ёқиб юборилади.

## ХИЁНАТ

Қонунан Хоразмшоҳ унвонини олган Султон Жалолиддин шаҳзода укалари билан Урганчга етиб келади. Қипчоқ лашкарбошилари уларни нохуш кутиб олишди. Чунки қипчоқ зодагонлари мўғуллар билан жанг қилишни эмас, балки салтанатга эга бўлишни ўйлашар эди. Жалолиддин эса халқини, ватанини душмандан ҳимоя қилишни биринчи вазифа деб билиб, барча одамларни мўғулларга қарши жангга сафарбар қилиб, амалпаст худбинларни беаёв жазолади. Бундай қаттиққўл ҳукмдор амалпаст ҳокимлар ва ўзбошимча лашкарбошиларга ёқмас эди. Шунинг учун улар Жалолиддинни ўзларига душман деб билиб, уни йўқотиш пайига тушишди. Худбинлар уни ҳукмдор сифатида тан олишни исташмади. Қипчоқларнинг ортида эса Жалолиддинни ёқтирамайдиган бувиси Туркон хотун турар эди. Унинг укаси Хумор Тегин шаҳардаги 90 минг қипчоқ лашкарларининг сардори эди. Султон Жалолиддин Темур Малик билан шаҳар мудофаасини ташкил қилишаётган кунларнинг бирида Хумор Тегин Ўзлоғшоҳ билан тил бириктириб, Жалолиддинга қарши фитна уюштиради. Бундан хабар топган Жалолиддин ўз укалари хиёнатидан озор чеккан ҳолда 300 аскари билан шаҳарни тарқ этади. Бу Урганч мудофаасига катта зарба эди. Хумор Тегин ўзини султон деб эълон қилди. У билан тил бириктирган шаҳзодалар – Ўзлоғшоҳ ва Оқшоҳ кўп ўтмай

ўз қилмишларига яраша жазо топишидди. Мўғуллар уларни шаҳарни тарк этиб қочишаётганида Хабушон вилоятидаги Вашта қишлоғида қўлга тушириб, қатл қилишди. Жалолиддиндан кейинги шаҳзода Рукниддин ҳам Устунаванд қальаси мудофаасида мардонавор курашишига қарамасдан, жанг вақтида мўғуллар томонидан қўлга олиниб, қатл этилди.

Мўғуллар Урганчни сиқувга олганда, Хумор Тегин ўзининг иродасиз, уқувсиз лашкарбоши ва хоин эканлигини кўрсатиб, мўғулларга шаҳар дарвозасини очиб бериб, таслим бўлди. Душман Урганчга бостириб кирди. Лекин шаҳар ахли таслим бўлишни истамади. Мудофаачиларга чинакам етакчи – шайх Нажмиддин Кубро бошчилик қилди. Улар Амударёга қурилган тўғондан фойдаланиб, мўғулларга қаттиқ шикаст етказдилар. Уч мингдан зиёд мўғул аскарлари тўғонга ёпирилиб чиқиб келаётганида қириб ташланди. Шаҳарда ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча учун жанг олиб борилди. Етмиш олти ёшли табаррук шайх Нажмиддин Кубронинг шаҳар ҳимоясида иштирок этгани мудофаачиларни ғоят рухлантирди. Уламо кофир мўғулларга қарши халқни жиҳодга чакирди. У дини ислом ва ватан озодлиги учун жангда ҳалок бўлди. Шаҳарни ва унинг мард ахолисини йўқ қилиш учун мўғуллар Амударё тошқинидан шаҳарни сақлаш учун қурилган тўғонни очиб юборишиди. Урганч сув остида қолди. Шаҳар ахолисининг бир қисми Мўғулистонга олиб кетилди, қолгани қириб ташланди. Шу тариқа шаҳар ер билан яксон бўлди. Лекин мамлакатда мўғулларга қарши кураш давом этарди.

Мўғуллар Бухорони ҳам камал қилиб босиб олишга уринишди. Амир Кушлу ва Ҳожиб Ўғул ўттиз минг аскар билан шаҳардан чиқиб, мўғуллар устига от қўйишиди. Улар асириқдан кўра ўлимни афзал кўриб, куюндеқ душман сафларига ташланишиди. Мўғуллар бундай хужумдан эсанкираб

қолишгандек ўзларини кўрсатиши ва орқага чекина бошлашди. Лекин Бухоро қўшини бу ҳийла эканлигини пайқамади. Тез орада мўғуллар сафларини ўнглаб ҳужумга ўтиб, Бухоро лашкарларини қириб ташлашди. Сўнгра Бухоронинг ҳам кулини кўкка совурдилар.

Хоразмшоҳ сulton Жалолиддин юртини вайрон қилган ва халқини қонга ботирган Чингизхондан шафқатсиз ўч олишга ахду паймон қилди. Ҳалок бўлган укалари Рукниддин, Ўзлогшоҳ, Оқшоҳ хунини олишни ҳам кўнглига тугди. Омон қолган укаси Фиёсиддин билан бирга ватанпарвар йигитлардан қўшин тўплашга киришди. Аммо мўғуллар бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилишарди. Нисо шахри яқинида Жалолиддиннинг уч юз кишилик лашкарларини етти юз мўғул қуршаб олди. Жанг кескин ва даҳшатли бўлди. Хоразмшоҳнинг жанг кўрган ва чиниқсан йигитлари мўғулларни тор-мор килишди. Ушбу биринчи ғалабадан сўнг, Жалолиддинга унинг амакиси Амин ал-Мулк ўн минглик аскари билан келиб қўшилди.

Улар мўғуллар қамал қилган Қандаҳорга келишди ва уч кун аёвсиз жанг қилишди. Мўғуллар шармандали равиша мағлуб бўлиб қочдилар. Қандаҳордаги олишув душман кўзини очди: мўғуллар шу пайтгача қаерга чангл солмасинлар, ғолиб бўлардилар. Уларга қарши турадиган куч йўқ эди. Мўғуллар назарида, Хоразмшоҳ лашкарлари фақат охудай қочишни биладиган, ҳужум қила олмайдиган, қўрқоқ одамлар эди. Улар бизларга қаршилик қилолмайди, деб ўйлашарди. Лекин Қандаҳордаги жангда улар бўғизларига санчилишга ва юракларини ёришга тайёр турган хоразмликларнинг ўткир найзаларини кўрдилар. Шу жангдан сўнг Чингизхон Жалолиддин билан ҳисоблашишга мажбур бўлди.

## ЧИНГИЗХОН ТАН БЕРГАН САРКАРДА

Султон Жалолиддиннинг ғалабалари унинг атрофига ватанпарвар кучларни бирлаштира бошлади. Ҳалаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Ифроқ, Балх ҳокими Аъзам малиқ, ағфон кўнгиллilarи сардори Музаффар малиқ, қорлуқлар етакчиси Ҳасан Қарлук минглаб лашкарлари билан Жалолиддин қўшинига келиб қўшилишди. Хоразмшоҳнинг амакиси Амин ал-Мулкнинг яна қирқ минг лашкари етиб келди. Энди душман билан жанг қилиш учун етарли куч йиғилган эди. Валиён қалъасини қамал қилган мўғуллар ана шу бирлашган куч билан тўқнашишди. Бир ғоя ва бир мақсад байроғи остида бирлашган бу кучга жасур лашкарбоши Султон Жалолиддин бошчилик қилар эди. Мўғуллар тор-мор бўлди. Бу хабарни эшитган Чингизхон уч тумандан ортиқ лашкарни кўмакка юборди.

Мўғулларнинг қирқ беш минг лашкардан ортиқ қўшини Жалолиддин қўшини билан Панжшер водийсидаги Парвон яқинида тўқнашди. Мўгул аскарларини тажрибали саркарда Шики Хутуху нўён бошқарар эди. Жалолиддин қўшиннинг ўнг қанотини Темур Маликка, чап қанотини Сайфуддин Ифроққа топширди, ўзи марказий қўшинга бошчилик қилди. Унинг буйруғига мувофиқ ҳамма навкарлар отлардан тушиб, жиловларини белбоғларига боғлаб жангга киришдилар. Бу жанг ҳакида муаррих Шихобиддин ан-Насавий бундай деб ёзади:

«Жалолиддин ўзи Шики Хутуху қўшини ўртасига отилиб кириб, унинг ҳарбий тартибларини бузди ва мўғул байроқларини отларининг оёқлари остида поймол қилди, лашкарбошисини эса ўз жойини ташлаб қочишга мажбур

қилди. Сўнг мўғуллар бошига қасос қиличлари ёпирилди».

Парвондаги жанг шу вақтгача енгилмас ҳисобланган мўғулларнинг довруғига рахна солди.

Чингизхон мағлуб лашкарбошисига дашном бермади. «Хутуху, – деди Чингизхон, – доимо ғалабага ўрганиб қолган, тақдирнинг даҳшатларини тотмаган, энди тақдир сабокларини олгач, хушёрроқ, тажрибалироқ ҳамда билағонроқ бўлади».

Жалолиддин киёфасида ўзига муносиб рақиб ва ғоят хавфли душманни кўрган Чингизхон унга қарши катта лашкар билан юриш бошлади. Бу вактда эса Жалолиддин лашкарбoshилари ўлжа талашиб ўзаро урушиб қолишиди. Хоразмшоҳ уларни муросага келтира олмади. Қорлуклар, афғонлар ва халажлар сардорлари Жалолиддин қўшинини ташлаб кетишиди. Ҳиндистонда Синд дарёси қирғоғида Чингизхон билан Жалолиддин лашкарлари тўқнаш келди. 1221 йил 25 ноябрда икки ўртада шиддатли жанг бошланди. Урушнинг учинчи куни Жалолиддин лашкарларидан бор-йўғи 700 лашкар қолди. Шундай бўлса ҳам Хоразмшоҳ жангни давом эттириди. Унинг жасоратидан ҳайратга тушган Чингизхон бундай дейди:

– Бундай ўғилга ота бўлмоқ баҳт. Бундай ўғли бор отанинг армони бўлмайди. Султонга ўқ отманглар, уни бирор-бир хийла билан тириклайн тутинглар.

Хоразмшоҳ шиддат билан мўғуллар қуршовини ёриб ўтиб, дарё қирғоғига яқинлашганини кўриб Чингизхоннинг ҳайрати янада ошади. «Энди Жалолиддин қўлга тушмай қолмайди – олдинда дарё, орқада беҳисоб мўғул лашкарлари», деб ўйлайди Чингизхон. Жалолиддин дарё томон от чоптириб борар экан, олдидан онаси, хотини ва ҳарамидаги канизаклар, мулозимлар югуриб чиқдилар. Улар султондан ўзларини душ-

ман қўлига тирик ташламасдан, ўлдириб кетишни ёлвориб илтимос қила бошладилар. Уларнинг ёлворишиларига чидай олмаган Жалолиддин кўзларида ёш билан навкарларига дарёни имо қилди. Навкарлар уни сўзсиз тушуниб ҳукмдор оиласи билан ўзларини дарёга ташлашди. Уларнинг кетидан Жалолиддиннинг ўзи ҳам отда дарёга сакради. Буни кўриб турган Чингизхон ўзини тутолмай хайкирди:

– Ҳақиқий мард ўғил мана шундай бўлиши керак. Модомики, у шундай оғир жангдан ва ўлим гирдобидан ўзига йўл топа олдими, демак, ундан ҳали кўп ишлар кутса бўлади. У бизга тинчлик бермайди.

Жалолиддин нариги қирғоққа чиқиб мўғулларга қаратагилич яланғочлади.

Чингизхон Жалолиддинга қаратаги ўқ уздирмади. Лашкарбошиларини ундан ўrnак олишга чақирди ва ҳавас билан деди:

– Агар шундай ўғлим бўлганда эди!..

Чингизхон бунгача ҳеч бир шоҳ, ҳукмдор ёки саркардага тан бермаган ва ҳеч кимни ўзига муносиб рақиб кўрмаган эди.

## МУСУЛМОНЛАР СУЛТОНИ

Жалолиддин оқ тулпорда Синд дарёсини сузиб ўтганида унга амир Қўлбарс баҳодир, Қабкуҳ, Саъдиддин Али бошчилигидаги курсовдан қутулган лашкарлар ҳам келиб кўшилдилар.

Шатра вилоятига етиб келишганида унинг ҳукмдори ҳинд юртига қадамранжида қилган Хоразмшоҳни қўлида қилич билан кутиб олди. Мингга яқин отлиқ ва беш минг пиёда билан унга қарши жанг қилгани чиқди.



Ражпутлар хукмдори ўз кучига ортиқча баҳо бериб, Хоразмшоҳни яккама-якка олишувга чақирди. У ўз юритида, Жалолиддин эса бегона юртда беаёв олишувга бел боғлашди. Икки қўшин лашкарлари саркардаларининг жангини юрак ютиб кузатиши. Хоразмшоҳга ортга йўл йўқ эди. Унинг кўз олдида ҳалок бўлганлар – онаси, рафиқаси, жонидан азиз фарзандлари турарди. Айниқса, тўнғич фарзанди – етти яшар довюрак ўғлининг фожиали ўлими тўғрисидаги хабар унинг юрак-бағрини қон қилганди. Дарё бўйида Чингизхоннинг қўлига тушган бола мўғул хонининг саволларига қўрқмасдан, ғуур билан жавоб берди. Бундай бола катта бўлса, отаси учун ўч олишини сезиб, Чингизхон жаллодга боланинг юрагини суғуриб олиб, итларга ташлашга буюрди.

Жалолиддин ражпутлар хукмдори қиёфасида Чингизхонни қўргандек бўлди. Чексиз ғазаб ва алам, нафрат унинг кучига куч қўшди. Икки саркарда қилич, найза ва гурзи билан жанг қилиши. Иккиси ҳам ҳарбий беллашувда тажрибали эди. Олишув шундай бўлдики, уни қўрганлар иккисининг ҳам абжирлиги-ю маҳоратига тан бермай иложи йўқ эди. Қизғин ҳамлалардан сўнг Хоразмшоҳнинг зарбли қиличидан Шатра ҳокими ерга қулади.

Сардорининг ўлимини қўрган қўшин жангсиз таслим бўлди. Бу жанг тафсилотидан хабар топган Синд, Учча, Мўлтон, Лохур, Пешавор вилоятлари ҳокими султон Носириддин Кубача Жалолиддинни хукмдор сифатида тан олди. Шимолий Хиндистон султони Шамсуддин Элтутмиш эса Хоразмшоҳга бундай мактуб йўллади:

«Сенинг орtingда исломнинг душмани тургани сир эмас. Сен бугун мусулмонларнинг султонисан. Мен бундай пайтда сенга қарши бўлишни истамайман. Тақдир қўлида сенга қарши қурол бўлишни хоҳламайман. Мен каби одам сенингдек инсонга қарши қилич кўтариши кечирилмас ҳолдир!»

Ҳинд диёри Жалолиддинни мусулмонлар султони сифатида тан олди. Лекин Ҳиндистоннинг катта-кичик хукмдорлари Хоразмшоҳнинг кучайиб кетишидан хавфсирашарди. Кўп ўтмай турли фитналар уюштирилди. Натижада Жалолиддиннинг таниқли икки лашкарбошиси – Язидак паҳлавон ва Сунқуржик – Шимолий Ҳиндистон хукмдори хизматига ўтиб кетишли. Хоразмшоҳ бундай хиёнатдан чексиз изтиробга тушди. Уни ҳар тарафдан мунофиқлик ва хиёнат қуршаб келмоқда эди.

У ҳарбий машварат чақириб, эндиликда нималар қилиши ҳақида лашкарбошиларидан фикр сўради. Жалолиддин уларга, Ҳиндистонда яширин душманлар борлигини, мўғулларга қарши иттифоқ барпо бўлмаганини, бу ерда қолиш хавфлиигини айтди. Амирлар унга Ироқقا кетишни маслаҳат беришли. Хоразмшоҳ рози бўлди. Жалолиддин ўзига содиқ навкарлари билан Кирмонга келди. Ўша пайтда Кирмонда укаси Ғиёсiddиннинг ноibi Бароқ ҳожиб хукмрон эди. У Жалолиддинга қарши чиқишдан кўра у билан дўстлашишни афзал кўрди. Форс вилояти отабеги ҳам Хоразмшоҳга итоат билдириди. Йазд ҳокими Алоуддавла, Исфаҳон қозиси Руқнiddин Маъсуд ибн Саид ҳам Хоразмшоҳга тобеликларини изҳор қилиб, умумий душман – мўғулларга қарши кураш истагини билдириши.

Шундай қилиб, Жалолиддин бу ерда бирлашган мамлакат тузишга кириши. У Форс отабеги Саъд ибн Зангий қизини чиндан ҳам севиб қолди. Гўзал, исми жисмига монанд Малика ҳам Жалолиддинга қўнгил қўйди. Икки ёш бир неча ой баҳтиёр ҳаёт кечириши. Жалолиддин биринчи марта ўзини хукмдор – Хоразмшоҳ эмас, балки оддий инсондек баҳтли сезди. У ҳам оддий одамлар каби яшаш, севиш ва севилишни истарди.



Султон Жалолиддин бир томондан, кудратли давлат тиклаётганидан, иккинчи томондан, Табаристон, Жазира, Дамашқ, Куддус, Миср, Майфориқин ҳукмдорлари у билан яхши муносабатлар ўрнатганидан мамнун эди. Эндиликда улар билан бирга мўғулларга қарши иттифок тузиш ва катта қўшин билан қаттол душман Чингизхонга қарши юриш қилиш мумкин эди. Жалолиддин бу курашга умум раҳбар бўлишни ўйлаб, ислом ҳомийси, мусулмонлар раҳнамоси – Бағдод халифаси Ан-Носирга мактуб йўллади. У халифани умумий душман – мўғулларга қарши курашга унади.

Аммо ўша даврдаги Бағдод халифаси аввалги аждодларидек кудратли амир-ал-муслимин эмас, балки майда ишларга ўралашган, худбин ва калтафаҳм ҳукмдор эди. Халифа ислом оламига офат ёғдираётган мўғуллардан эмас, балки Хоразмшоҳнинг кучайиб боришидан хавфсиради. Жалолиддин унинг кўзига мўғуллардан ҳам ёмон кўринарди. Бағдод халифаси Хоразмшоҳ пайини қирқиш, унинг иттифоқчилари ўртасига рахна солиши сиёсатини тутди. Бу йўлда куролли курашдан ҳам қайтмади. Ан-Носир Жалолиддинга қарши ўттиз минг лашкарини жўнатиб, лашкарбошиси Қуш-Темурга Хоразмшоҳни йўқотишни буюрди.

Тақдир зарбаларидан, кутилмаган хиёнат ва сотқинликлардан дийдаси ва жисми қотган Хоразмшоҳ Қуш-Темур билан жангга киришга мажбур бўлди. Тез орада халифа қўшинини тор-мор қилди. Бу ғалабадан сўнг мусулмонлар оламидаги барча кучлар Хоразмшоҳга ислом ҳомийси сифатида қарай бошлишди. Худбин ва калтафаҳм халифанинг обрўси тушиб кетди. Бундан аламзада халифа хиёнат йўлига ўтиб, мўғулларни Хоразмшоҳга қарши қайрай бошлади.

## **ТАҚДИР ЎЙНИ**

Султон Жалолиддинга Мароғанинг мусулмон аҳолиси шикоят қилиб, анча йиллардан бери Гуржистон лашкарлари ўз ерларига тез-тез босқинлар уюштириб, мусулмонларга жабр етказаётганликларини, мусулмонларни зўравонлик билан насроний динига ўтишга мажбур этаётганларини, Озарбайжон ҳукмдори Ўзбек эса гуржилардан ўз юртини химоя қилолмаётганини айтди.

Хоразмшоҳ шундан сўнг мусулмонларни гуржилар зулмидан халос этишга, гуржилар босқинчилигига чек қўйишга аҳд қилди. Жалолиддин ислом ҳомийси сифатида 1225 йил май ойида Мароға шахрини эгаллади. Озарбайжон ҳукмдори Ўзбек қаршилик кўрсатолмай қочди. Унинг қўшини Жалолиддин тарафига ўтди. Табриз, Ганжа ҳам Хоразмшоҳга таслим бўлди. Озарбайжон аҳолиси Хоразмшоҳ қиёфасида ўзини гуржилар зўравонлигидан озод этувчи халоскорни кўрар эди. Гуржилар кўпдан бери Озарбайжонни талар, гуржиларга қарши турадиган куч топилмас эди. Энди Озарбайжон халқи Жалолиддин сиймосида қудратли кучга эга бўлган эди. Ўзини ислом ҳомийси деб билган Хоразмшоҳ Гуржистон устига юриш бошлишини Кўниё, Жазира, Миср ҳукмдорларига маълум қилди. Хоразмшоҳнинг асосий рақиби – мўғуллар ўрнини эндилиқда гуржилар эгаллади. Бу қисмат ўйини ва тақдирнинг аччиқ ҳазили эди.

## **ГУРЖИСТОНДАГИ ҒАЛАБА**

Гуржистон мустақил ва кучли давлат сифатида қўшни Озарбайжонга доимо хавф солиб турарди. Олтмиш мингдан зиёд жасур ва тажрибали қўшинга таянган гуржилар

хукмдори малика Русудан (1222–1245) бу ерда хукмдор эди. У яқинлашиб келаётган асосий душман Хоразмшоҳ эмас, балки мӯғуллар эканлигини тушунмасди. Гуржистон тарихида яхши хукмдор сифатида танилган малика Тамаранинг қизи Русудан онасидек устомон, зийрак ва тадбиркор сиёсатчи эмас эди. Бир неча йил муқаддам мӯғулларнинг лашкарбоиси Субутой нўён пешқадам лочинлари билан синов тариқасида Гуржистонга бостириб борган, лекин жангга кирмай орқага қайтган эди. Бу ҳодисани гуржилар ўзларича шарҳлаб, «мӯғуллар биздан кўркди», деб мақтанишарди. «Хоразмшоҳ Жалолиддин мӯғуллардан қочган лашкарбоши, у билан жанг қилиш қийин эмас», деб князлар маликани хотиржам килишди.

Хоразмшоҳ қўшини келаётганлиги тўғрисидаги хабарни улар осойишта кутиб олишди. Тажрибали лашкарбоши амир сипоҳсолор Иване Мхаргдзели бошчилигидаги олтмиш минг кишилик аскар Гуржистоннинг дарвозаси бўлмиш Гарни дарасида тўхтадилар ва дара тепасига ўтиб бўлмас ғов қўйдилар. Гуржистоннинг таниқли лашкарбоиси, довюрак лашкарбоши Шалва Ахалсихели бу ишга раҳбарлик қилди.

Султон Жалолиддин бир неча кун давомида Гарни қальясини эгаллаш режасини ўйлади. Мӯғулларнинг ҳарбий хийлаларини кўз олдига келтирди. Шундан келиб чиққан ҳолда бир режа ишлаб чиқди.

Гуржилар тепадан қароргоҳларини йиғиштириб, орқага кетаётган Хоразмшоҳ аскарларини кузатиб турдилар. Кечкурун эса ғалаба базмини бошлидилар. Дарёдек оққан винолардан, шўх ўйин-кулгилардан маст уйқуга кетган лашкар ва соқчилар эрта саҳардаги шовқин-сурондан уйғонишли ва дара қояларидан тушиб келаётган Хоразмшоҳ лашкарларини кўриб довдираб қолишли. Хоразм лашкарлари қулай марраларни эгаллаб, жангга киришиб кетишли.

Жанг гуржиларнинг мағлубияти билан тугади. Биринчи лашкарбоши Шалва Ахалсихели ва машҳур шоир Турман Торели асирга олинди. Хоразмшоҳ уларга иззат-икром кўрсатди. Уларни ўз хизматига қабул қилди.

## ГУРЖИЛАРГА УЗАТИЛГАН ҚҮЛ

Гуржистонни забт этиш учун Жалолиддинга кенг йўл очилган эди. Гарнидаги ғалаба келгуси зафарлар калити эди. Агар Жалолиддин истилочи бўлганида шу заҳотиёқ Гуржистонга бостириб кириб, ҳаммаёқни вайрон қиласарди. Аммо у гуржилар билан қон-қариндош ва иттифоқчи дўст бўлишни истади. Ва шунга яраша ҳаракат қилди.

Султон Жалолиддин Гуржистонда масалани тинч йўл билан ҳал қилиб, мустаҳкам иттифоқ тузишни асосий мақсад деб биларди. У асир олинган гуржи зодагонларига мақсадини тушунириш учун шундай таклиф билан мурожаат қилди:

– Мен Гуржистонга талончилик қилиш учун келмадим. Балки тинчлик учун келдим. Лекин сизлар тезда менга қарши қуролланиб олдингиз ва тинчлик бузилди. Энди гуржи подшосининг энг йирик вазирлари, намояндлари сифатида гапимга қулоқ солинглар. Сизлар менинг уруғим ҳақида, давлатим буюклиги ҳақида эшитгансизлар! Мен буюк султон Хоразмшоҳнинг ўғлимани, лекин тақдир биздан юз ўғирди – мен Чингизхондан енгилдим. Унинг мендан кучли эканлигини ва ўзимнинг кучсиз эканлигимни кўрганимдан кейин давлатни ташлаб, тинчлик истаб юртларингиз томон йўл олдим. Мен мамлакатингизнинг куч-кудрати ва гуржиларнинг жасорати ҳақида эшитганман. Ҳозир эса мен бирлашишимизни ва биргаликда душманга қарши чиқишимизни истардим. Эшитишимча, сизнинг подшоҳингиз аёл. Мени унга уйлан-

тиринг ва ўзингизга подшоҳ қилинг. Шунда биз биргалиқда душманларимизни енгамиз. Агар бундай қилмасангиз, давлатингиз якson бўлади. Бу ишни мен қилмасам ҳам, барибир мўғуллар қилиши аник.

Гуржи князи Мхаргдзели бу таклифни ҳукмдори малика Русуданга етказишга рози бўлди. Маликанинг биринчи эри Арзум сultonи Тўғрулшоҳнинг ўғли бўлиб, насронийликка ўтиб кетганидан Жалолиддин хабардор эди. Малика Арзум шаҳзодасидан ажрашиб, қизи Тамара ва ўғли Давид билан қолган эди. Маликанинг боши очик. Агар у рози бўлса, Гуржистон лашкари мусулмонлар лашкарлари билан қўшилиб, мўғулларга қарши курашда катта куч бўлади. Чингизхоннинг куни битади. Лекин бу Жалолиддиннинг орзуси эди.

## ТУРКОН ХОТУННИНГ КИБРИ

Султон Жалолиддин ҳузурига паноҳ истаб Туркон хотуннинг собиқ мулоzими Бадриддин Ҳилол келди. Жалолиддин ундан бувисининг тақдирни ҳақида эшилди. Туркон хотун Мозандарондаги Илол қальясига яшириниб жон сақламоқчи бўлади. Қалъа олингач, Чингизхон уни тириклайн тутиб келишни буюради. Мўғуллар уни Чингизхон ҳузурига келтиришади. Хоқон унинг қўлларига занжир солдиради. Унинг емиши Чингизхон дастурхонидаги сарқитлар бўлади. Қаерга бормасин, ўзи билан олиб юради. Бир куни қулай фурсат пойлаб, Бадриддин Туркон хотунга деди:

– Юр, Жалолиддиннинг ҳузурига қочамиз. Ахир у ўғлингнинг ўғли, қалбингнинг гавҳари-ку. Унинг куч-кудрати, мамлакатининг кенглиги ҳақида кўп хабарлар келяпти.

Туркон хотун набирасига бўлган муносабатини бундай ифодалади:

– Ҳайҳот, унинг номини эшитмай! Мен энди Ойчечакнинг ўғли марҳаматига умид боғлаб яшайманми? Ундан ҳимоя истайманми? Бу оғир ҳақорат эмасми? Ундан кўра Чингизхон қўл остида таҳқирланишим афзал эмасми?

Жалолиддин бу гаплардан маъюс тортди. Ойчечак! Бечора, муштипар, жонфидо она! У душман қўлига асир тушиб, хор бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрди. Гўри ҳам, кафани ҳам тезоқар Синд дарёси бўлди. Жалолиддин бундан тўрт йил муқаддам Чингизхон билан қилган жангни, мўғуллар қуршовини ва Синд дарёсини кўз олдига келтирди. Дарёга ташланган ва тез оқиб бораётган аёлларнинг бош-танлари дам кўринар, дам ғойиб бўлар, уларнинг ўлим олдидаги қичқириқларини жанг шовқини босиб кетар эди.

Жалолиддиннинг кўзларида ғазаб ва алам ўтлари чақнади. Бувиси қаерда-ю мард онаси қаерда? Туркон хотуннинг кибрини қаранг! Отдан тушса ҳам эгардан тушмабди. Қачонлардир ўзини: «Дунё ва унинг покдомони, улуғ Туркон, олам аёлларининг маликаси», деб улуғлаган бу аёл ўз набираси олдига келишдан бош тортибди, унинг дастурхонидан кўра Чингизхоннинг саркитларини афзал кўрибди. Ўғлининг, набираларининг, келинларининг ўлимига сабабчи бўлган, юртини қонга ботирган мўғуллар ютида тиланчилик қилиб яшашни ўзига муносиб кўрибди. Ичкоралик ҳам шунчалар бўладими? Во дариф!

## МАЛИКАНИНГ ТАКЛИФИ

Тифлисдан келган чопар Хоразмшоҳга Гуржистон маликаси Русуданнинг жавобини келтирди. Малика, агар Жалолиддин насроний динига ўтса ва чўқинса, унга турмушга чиқишига рози эканлигини билдирибди. Жалолиддин – мусулмонлар султони ва ислом ҳомийси сифатида унинг таклифини қабул

қилолмаслигини малика ҳам, унинг мулозимлари ҳам яхши билишарди. Улар муроса; тинчликни эмас, урушни афзал кўришибди.

Орадан кўп ўтмай гуржилар қўшини ҳужумга ўтгани ҳақида хабар келди. 1226 йил эди. Хоразмшоҳ Гуржистон пойтахти Тифлисга қўшин тортди. Шаҳар мудофааси мустаҳкам. Жалолиддин уч минг сара аскарлари билан текширув тариқасида Тифлис остонасига яқинлашди. Шунда бирдан шаҳар дарвозалари очилиб, ундан ўн мингдан ортиқ гуржи отликлари қуюндек отилиб чиқди. Хоразмшоҳ улар куршовига тушиб қолди. Жанг қизиб кетди. Гуржилар рўпараларида Хоразмшоҳнинг ўзи шахсан жанг қилаётганини билишмас эди. Билганларида яна қўшимча куч билан чиқишилари ва Хоразмшоҳни ҳалокатга учратишлари мукаррар эди. Хоразмшоҳ бор кучи ва маҳоратини ишга солди, каттиқ жанглардан сўнг у жуда оз қолган аскарлари билан асосий кучлар жойлашган қароргоҳга етиб келди. Бу жанг гуржилар кучини унга яққол кўрсатди. Жалолиддинга шаҳарни эгаллаш мушкул экани равshan бўлди. Шу пайт унинг ҳузурига Тифлисдаги мусулмонлар вакиллари келди. Улар Хоразмшоҳга ёрдам беришларини айтиб, уни ҳужумга ундашди.

Хоразмшоҳ лашкарларининг бир қисмини шаҳарга юбориб, қолганини пистирмага қўйди. У мўғулларнинг чалғитиши усулларидан хабардор бўлгани учун шаҳар мудофаачиларидан кўп қисмини ташқарига чиқаришга муваффақ бўлди. Гуржилар, атайлаб чекинаётган, чекиниши усталик билан никоблаган хоразмликларни таъкиб қилишга берилиб кетишиди. Шунда Хоразмшоҳ пистирмасидаги аскарлар уларни қириб ташлади.

Шаҳар ичкарисидаги мусулмонлар ҳам қўзғолон кўтариб, гуржиларга қарши жанг бошлади. Уларнинг бир гурухи дар-



возаларни эгаллашди ва Хоразмшоҳ лашкарлари Тифлисга бостириб кирди. Жуда кўп асиirlар ва ўлжалар олинди. Пойтахтдаги малика Русуданнинг мўъжизакор саройида Хоразмшоҳ билан қардош мусулмонлар ғалаба базмини ўтказишиди. Тифлисда Хоразмшоҳ байроғи ҳилпиради.

## МЎҒУЛЛАР ЭЪТИРОФИ

Озарбайжон, Ширвон (Арманистон) ва Гуржистон Хоразмшоҳнинг қўл остига ўтгач, 1227 йил сентябрида Исфахонда мўғуллар пайдо бўлди. Жалолиддин Тайнол нўён бошчилигидаги қўшин билан жанг қилди. Мўғуллар мағлуб бўлиб чекинишиди. Тайнол нўён Чингизхон хузурига қайтиб, ҳукмдорига Хоразмшоҳни шундай таърифлади:

– Ҳақиқатан ҳам у ўз даврининг баҳодири ва тенгдошлигининг ичидаги тенгсиз мардидир. Мен унга бас келолмадим.

Чингизхон бу гапларни бемор ҳолда тингларди.

– У ёш ва навқирон, – деди хўрсиниб, – у ҳали кўп балоларни бошларингизга солади.

Мўғулларнинг улуғ хоқони умри тугаётганини яхши билар эди.

– Ёшлик қандоқ яхши. Кўлингда кишан, қул бўлсанг ҳам уни писанд қилмайсан. Келажакка умидвор боқасан... Бу йигитда ўз ёшлигимни кўрмоқдаман.

Чингизхон ёшликда кулликни кўрган, кишан ва занжирларда юрган, аммо куч-ғайрати, истеъоди ва ташкилотчилиги туфайли улуғ хоқон даражасигача кўтарилган эди. Мана, энди қарилик... Унинг кўзига бир нарсалар чалингандек бўлди:

– Ана, кўриняпти унинг оқ тулпори... – алжирагандай деди у. Сўнг жiddий буюрди: – Қулоқ туting менинг амримга, Хоразмшоҳга таклиф юборинг.

Кўп ўтмай Жалолиддин бир мактуб олди. Уни синглиси Хон Султон – Чингизхон келини, Жўжихоннинг рафиқаси йўллаган эди. У асирга олингандা Чингизхон томонидан ўғли Жўжихонга турмушга берилган эди.

*«Сенинг кучинг, қудратинг ва мулкларингнинг улканлиги ҳақидаги хабар хоқонга етди. Шунинг учун у сен билан қариндош бўлишига қарор қилди. Жайҳун дарёси бўйигача бўлган ерларни сенга мулк қилиб бермоқчи... Агар сен уларга қарши туришига куч йига олсанг, қасос ол. Улар билан жсанг қил. Агар енгсанг, хоҳлаганингча иши тутасан. Агар енголмаслигинги билсанг, фурсатдан фойдалан! Уларнинг таклифига кўниб, сулҳ туз!»*

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Хоразмшоҳнинг ўсиб бораётган мавқеи Бағдод халифасини, иттифоқчи Миср, Дамашқ ва Жазира хукмдорларини ташвишга сола бошлади. Ички фитналар ва хиёнатлар бошлианди. Жалолиддиннинг укаси Фиёсиддин Пиршоҳ биринчи бўлиб хоинлик йўлига ўтди. У ўз лашкарлари билан акаси қароргоҳини тарқ этди. Фиёсиддин акасига ҳасади қўзғаб, ўзи мустақил давлат барпо этиш ва Жалолиддин каби шуҳрат қозонишини истади. У ўзининг лашкарбошилик қобилиятига ортиқча баҳо берди. Фиёсиддин акасининг ғалабаларига хиссаси қўшилганидан мағурурланди. Аммо у Кирмон вилояти ҳокими Бароқ ҳожиб томонидан алданиб, қўлга олинди. Бароқ ҳожиб унинг бошини кесиб, мўғулларга совға қилиб юборди. Кирмон ҳокими Бароқ мўғулларга Фиёсиддиннинг бошига қўшиб шундай нома жўнатди:

*«Сизларнинг икки душманингиз – Жалолиддин ва Фиёсиддин эди. Улардан бирининг бошини сизларга тұхфа қиласман».*

Мўғуллар бу воқеадан сўнг Жалолиддин давлати улар ўйлагандек кучли эмаслигини пайқаб, у билан сулҳ тузиш фикридан қайтишди. Озарбайжон ва Гуржистон сари талончилик юришларини бошлаб юбориши.

## ИНТИҚОМНИ ЕНГГАН ҚАЛБ

Гуржи шоири Турман Торели олти йилдан бери Хоразмшоҳ муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий маҳкамасида хизмат қиласар эди. Вазифаси – Гуржистон тарихини ёзиш ва мунший топшириқларини бажариш. Кўпни кўрган, тарихни яхши биладиган ан-Насавий Торелини қадрлар ва хурмат қиласар эди. Аммо князъ Торелининг дилида бошқа гаплар бор эди. У юртдошларининг тўкилган қонлари учун Султон Жалолиддиндан ўч олишни ўйларди. Бир куни у мунший чодири ёнидан Хоразмшоҳ ўтганини кўриб қолди. Султон гандираклаб чайқалди, нима, у мастми? Торели эҳтиёткорлик билан султон чодири томон ўтди. Кўйнидаги ханжарини маҳкам ушлаб ичкарига кирди. Жалолиддин чодир ичидаги турган кичик тобут олдида тиз чўкканича ўтирасар эди. Торели кеча унинг уч яшар ўғли Қоймақар вафот этганини эшитганди. Султоннинг ҳозирги ҳолати ачинарли эди.

Жалолиддин тобутчада ётган боланинг қўлларини, жингалак соchlари, мангуга уйқуга кетган кўзларини силаб йиглади. У ўғли атрофида чўккалаб юрганча унсиз фарёд қиласарди.

Торелининг қўлларидан беихтиёр ханжар тушиб кетди. Ногаҳон бу товушдан Хоразмшоҳ ирғиб ўрнидан турди. Кўллари қиличига ёпишди. Кўзлари йўлбарсдек ёнди. Шу вақтда ким кўринса – ўлиши аниқ. Шоир кимнингдир қўллари уни ташқарига судраганини сезмай қолди. Ан-Насавий уни чодир тарафга итариб, ўзи султон қароргоҳи томон қадам



босди. Мунший Торелининг ниятини сезди, лекин унга яхшилик истаб, муқаррар ўлимдан сақлаб қолди.

Шоир узоқ вақт ўзига келолмади. У қудрат ва юксак шухрат соҳиби, номи тилларда достон бўлиб кетган Хоразмшоҳни бундай эзилган ҳолда кўраман деб ўйламаганди. Торели унга энди ҳеч қачон суиқасд қилолмаслигини шоир қалби ила чукур хис этди.

## ҚАБОҲАТ ҚУРШОВИДА

Хоразмшоҳнинг вазири Шараф ул-Мулк Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашрафдан мактуб олди. Мактубда бундай сўзлар бор эди:

*«Ҳақиқатан ҳам сенинг султонинг исломнинг ва мусулмонларнинг султони, уларнинг таянчи. У мусулмонлар билан мўғуллар ўртасидаги тўсиқ ва девордир».*

Шараф ул-Мулк кичик хизматкордан Жалолиддин ҳиммати туфайли олий лавозимларга кўтарилиган ва беҳисоб мол-дунё орттирган одам эди. У Жалолиддин билан ўн йилдан бери сафдош. Унинг зафарлари, мағлубиятлари, қувончу уқубатларининг барига гувоҳ. Вазир ўз ҳукмдорини жуда яхши билади. Унинг кучи ва заиф томонлари ҳам унга аён. Шунинг учун мактубдаги сўзлар ҳақиқатлигини инкор қила олмайди.

Жалолиддин биргина буюк мақсад йўлида яшайди – она юртини мўғуллардан озод қилиш; оқ тулпорда Урганчга кириб бориш. Бу ҳақда у куну тун ўйлайди, орзу қилади.

Яна бир орзуси – Чингизхон билан яkkама-якка жанг қилиш. Отаси, укалари ва барча юртдошлари учун ундан ўч олиш. Шунинг учун Чингизхоннинг ўлгани ҳакида хабар келганда Жалолиддин афсусланди, кўллари билан пешонасини муштлаб хитоб қилди:

– Чингизхон билан яккама-якка олишиш асосий мақсадим эди. У айёр тулки муносиб рақиб бўла оларди. Асосий рақибим энди йўқ... Мўғулларниң қилмиши учун энди кимдан ўчоламан?

Шундай дея Жалолиддин узоқ вақт хомуш юрди. Аммо давлат юмушлари, ҳарбий можаролар уни бир оз чалғитди. Озарбайжон, Ширвон ва Гуржистонни бирлаштирган Хоразмшоҳ давлатининг ички ва ташқи душманлари тобора кўпайиб бораарди. Озарбайжоннинг собиқ ҳукмдори Ўзбекнинг лашкарбошиси Иззиддин Балбон қўзголон кўтарди. Малика Русудан тарафдорларининг қўшини Тифлисга хужум қилди. Ҳилот ҳокими ҳам уларга қўшилди. Жалолиддиннинг тақдири жанг қилиш экан – уларни тор-мор қилди. Аммо Ҳилот қалъасини анчагача эгаллай олмади.

Хоразмшоҳнинг ҳар бир жангини, ҳар бир ҳаракатини атрофдаги қўшни ҳукмдорлар, айниқса, мўғуллар дикқат билан кузатишарди. Агар у жиддий мағлубиятга учраса, ҳаммаси бирдан ёпириларди.

Хоразмшоҳ атрофида таҳликали вазият вужудга келаётган эди. Буни вазир Шараф ул-Мулк яхши пайқади. Сир эмас, Дамашқ, Миср, Жазира ва Кўниёҳ ҳукмдорлари Хоразмшоҳдан хавфсирашмоқда. Шунинг учун улар Жалолиддинга ёрдам эмас, зарба беришни ўйлашарди. Халифа ҳам уларни Жалолиддинга қарши қайрамоқда. Улар Хоразмшоҳга қарши кураш учун ўзаро бирлашмоқчи кўринади. Мўғуллар эса тобора Озарбайжон худудлари сари яқинлашмоқда. Гуржилар маликаси Русудан эса Кутаисида паноҳ топиб, янги кучлар йиғмоқда. Тўқнашув бўлиши муқаррар. Султондан омад юз ўтиromoқда. Энди отни қамчиласи фурсати етди.

Вазирнинг кўлида қалам қитирлади. У Жазира ҳукмдори ал-Ашраф ва Кўниёҳ султони Алоуддин Кайқубодга мактуб ёзмоққа тушди:

«Биз, Шараф ул-Мулк, динимиз ва халқларимиз осойиштатлиги йўлида шуни баён қиласизки, Жалолиддинни ҳисбга олиб, уни муносиб жазолаши ва қатл қилишини ўз зиммамизга оламиз. Бу хизмат учун эса ал-Аираф ва Алоуддин бизга Озарбайжонни мулк қилиб топшириши ва унга ҳукмимизни қонунан тасдиқлашларини илтимос қиласиз». Шундай деб ёзган Шараф ул-Мулк хаёл денгизига толди. У фикран ўзини Озарбайжон ҳукмдори сифатида ҳис эта бошлаган эди. Аммо умидлари рӯёбга чиқмади: хаёл бошқа, ҳаёт бошқа, деганларидек, бу мактуб манзилига етмасдан Хоразмшоҳ қўлига тушди.

## ОҚ ТУЛПОРНИНГ ЎЛИМИ

Хоразмшоҳ иккинчи марта Ҳилотни қамал қилганида гуржилар Гочи Мусхадзе бошчилигига Тифлисга ҳужум қилиб, уни эгаллашди. Султон қамални тўхтатиб, Тифлисга қайта ҳужум бошлади. Шиддатли жанглардан сўнг, гуржилар ўз шаҳарлариға ўт қўйиб орқага чекинишли.

Жалолиддин асири олинган гуржиларни Сион ибодатхонаси атрофига сафлашни, ибодатхона тепасига оқ тулпорини олиб чиқиши буюрди.

Бу тулпор қачонлардир уни Синд дарёсидан эсон-омон олиб чиқкан, хинд диёридаги жангларда бирга бўлган қадрдон сафдоши эди. У анчадан бери тулпорини минмас, фақат астайдил парвариш қилар, чунки тулпор садоқатли хизмати учун бундай мурувватга сазовор эди. Хоразмшоҳнинг эзгу нияти шу оқ тулпори билан қадрдон юрти Урганчга кириб бориш эди. У ҳозир шу тулпорга миниб Тифлисни томоша қилмоқчи бўлди.

Мулозимлар отни келтирганларида, от эгасини таниб кишинади.

Шу вақт қутылмаган воқеа юз берди. Қаердадир беркиниб ётган гуржи отган ўқ султонни четлаб, тулпорга санчилди.

Хоразмшоҳ жон бераётган отига қараганча ҳайкалдек қотди. Бу ўқ шафқатсиз тақдир зарбаси эди. Тулпорнинг ўлими унинг эзгу орзуси ҳеч қачон ушалмаслигидан нишонадек туйилди унга.

Ҳилот қалъасини Хоразмшоҳ учинчи қамалдан сўнг 1230 йили эгаллади. Хиёнаткор вазири билан тил бириктирган султон Кайқубод қўшинини тор-мор этгач, Шараф ул-Мулкни қатл қилди. 1231 йил 10 августда унга Қўниё, Миср, Дамашқ, Жазира ҳукмдорлигининг бирлашган қўшини қарши юриш бошлади. Жалолиддин араб тулпорларига минган 30 минг отлик қархисида ўзининг лашкари ожиз эканини сезди. Қани энди шу отлиқлар унга қўшилса-ю, мўғуллар томон юриш қилсалар. Хоразмшоҳ ана шундай таклифни иттифоқчилар – Миср, Дамашқ, Қўниё ҳукмдорларига етказди. Аммо улар битимни эмас, жангни исташди. Жалолиддин ноилож жангга кирди.

Жалолиддин қаттиқ олишувдан сўнг Амид томон чекинди. Аммо бу ерда у, худди душманлар келишгандек, мўғуллар қўшинига дуч келди. Хоразм лашкари ўз саркардасини кутқариш учун жанг билан унга йўл очиб берди. Жалолиддин шитоб ила от чоптириб кетаркан, рўпарасидан унга қарши келаётган икки мўғулни кўрди. Улар уни асир олишни хаёл килишган эди.

Жалолиддин камонидан ўқ отиб бирини қулатди. Иккincinnини эса қилич билан чопиб ташлади. Орқада жанг борар, у эса ёлғиз от чоптириб кетар эди.

У яна қадрдони – оқ тулпорини эслади. От уни неча-нечадушманлар қуршовидан олиб чиққан, не-не муқаррар ўлимлардан кутқарган вафодор дўсти эди. Тагидаги саман унга ўхшамайди.



Жалолиддин қўққисдан икки тарафдан кўринган отликларга рўпара бўлди. Булар мўғуллар эмас, бошқа одамлар, курдлар – Ҳамид сultonнинг фуқаролари эди.

Отликлар қирқ-эллик киши – уни қуршовга олишди: қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ.

Жалолиддин отдан тушди. Уни ўлдиришга шайланганлар йўлтўсар қароқчилар эди. Қароқчилар унинг қимматбаҳо камари, шоҳона либосига караб иккиланиб қолишиди.

– Мен сultonман. Тақдиримни ҳал этишга шошилманглар, – деди у.

Қароқчилар йўлбошчиси унга яқинлашди.

– Чиндан ҳам подшога ўхшайсан.

Жалолиддин қаддини мағрур тутиб турарди.

– Танла, йўлбошчи, – деди у, – икки йўл бор. Бири – мени Майфориқин ҳокими Ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин Фозий ҳузурига олиб борасан ва ундан мукофот оласан. Иккинчиси – мени мамлакатимга етказ. Агар юртимга олиб борсанг, амир бўласан.

Йўлбошчи ўйланиб қолди. Шериклари билан ўзаро шивирлашиб маслаҳат қилди. Сўнг Жалолиддинга деди:

– Отингга мин ва орқамдан юр!

Уни бир қишлоққа олиб келишди ва қандайдир уйга бошлиб киришди.

Бу хонадон Амид сultonига қарашли Айн Дор қишлоғида яшовчи курднинг уйи эди.

– Шу жойда тунайсиз, – деди йўлбошчи, – мен сulton олдига жўнайман.

У уй соҳибаси курд аёлига нималарнидир пичирлади.

Жалолиддинни меҳмонхонага таклиф қилишди. Аёл дастурхон ёзаркан, Хоразмшоҳ уйига келганидан ғоят ғуурланаётгани сезилар эди.

Жалолиддин беихтиёр севимли хотини Маликани эслади.  
У ҳозир Тифлисда, ишончли одамлар хузурида.

Аёл мусаллас тўла кўзача ва пиширилган гўшт келтирди.  
Жалолиддин овқатланиб бўлгач, кўзларига мудроқ кирди,  
ўзини негадир ёлғиз сезди. Қани унинг севимли ёри, қадрдон  
сафдошлари ва содик навкарлари?!

Ногаҳон кўзларига онаси кўрингандек бўлди. Ҳа, муштипар ва баҳтиқаро онаси Ойчечак унга хомуш тикилиб турарди.

— Сенингдек ўғлим борлигидан ғурурланаман, энди ўлсам ҳам бўлаверади...

Бу онасининг сўнгги сўзлари, ўлим олдидаги фифони эди.  
Нега айнан ҳозир бу сўзлар ёдига тушди?

Жалолиддин кўзларида ёш қалқигандай бўлди. Синглиси Хон Султон, шаҳид кетган хотинлари, фарзандлари, қуролдош дўстлари ва отасининг маъюс чехралари жонланди.

Нега улар ҳозир кўз олдига келяпти? Ё паймонаси тўлдими? Жалолиддин маъюс тортиб кўрпачага ёнбошлаганча, хаёлан ўтган умрига сарҳисоб бера бошлади.

Бу кун 1231 йилнинг 17 августи эди.

Шу куни атиги ўттиз икки йил умр кўрган, аммо номи элларда машҳур бўлган, Чингизхонни лол қолдирган ва уни қўрқита олган, ўз юртини беадад севган ва унга эга бўла олмаган ҳукмдор – охирги Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангуберди ёруғ дунёдан кўз юмди. Қароқчи курднинг найзаси унинг умрига якун ясади.

## АБАДИЯТ

Жалолиддин Мангубердининг ўлганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Довруғи бутун мусулмон дунёсига таралган, қудратли султон ва ислом ҳомийсининг ўлими барчани ларзага солди. Амид султони Ал-Малик ал-Музаффар шахсан ўзи Айн Дор қишлоғига ташриф буюрди. Курдлар қотиллик изини яшириш учун уни кўмишган эди.

Султоннинг амри билан қабр очилиб, жасад олинди. Хоразмшоҳнинг амакиси Ўтурхон жиянининг юзини очиб кўриб ўзини йифидан тўхтата олмади:

— Унинг ҳалокати мӯғулларнинг ислом ерларини истило қилишларига кенг йўл очиб берди. Ислом ўлкалари билан мӯғуллар ўртасида девор бўлиб турадиган Хоразмшоҳдек бирор кимса йўқ.

Ўтурхоннинг сўzlари чиндан ҳам ҳақиқий башорат экани тез кунлар ичида аён бўлди. Мӯғул галалари бирин-кетин Ширвон, Озарбайжон ва Гуржистон ерларини забт қила бошлади. Хоразмшоҳнинг собиқ душманлари унинг номини байроқ қилиб, мӯғуллар билан жангга кирдилар. Жалолиддиннинг қариндош-уруғлари, лашкарбоши-ю навкарларини хукмдорлар ўз сафларига ёлланма куч сифатида киритишга ҳаракат қилдилар. Жалолиддин йигитлари амирлари билан Кўниё султони Алоуддин Кайкубод, Миср ҳокими Ал-Малик ас-Солих қўшинлари сафида мӯғулларга қарши курашдилар. Бу кураш мӯғуллар 1260 йилда тор-мор этилгунча давом этди. Сўнгги Хоразмшоҳ – Султон Жалолиддин Мангубердининг номи асрлар давомида неча-неча авлодлар учун жасорат ва мардлик, ватанпарварлик рамзи бўлиб келди. Унинг ўлмас номи – ватанпарварлик тимсолидир.

Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» китобида Жалолид-

дин Мангуберди ҳақида Чингизхоннинг қўйидаги сўзларини келтиради:

«Отадан ҳали бундай ўғил туғилмаган. У сахрода шер каби ғолиб, дарёда эса наҳанг каби қудратли».

Унинг тақдири ҳақида фикр юрита туриб Улуғбек яна шундай дейди: «Қандай қылсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир можарода teng келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазойи қадар қаршисида қудрат қўлини очди.

Бу султондан кўп ишлар ва ҳисобсиз қиссалар вужудга келарди ва унинг ишларидан ҳар қандай оқил ўғил ғофил қолмаслиги керак».

Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг жанговар шуҳратини унинг жангчилари бутун Европага намойиш қилишди. 1244 йилда Миср султони қўшини сафида салбчиларни Каффа яқинида тор-мор қилиб, муқаддас Куддуси шарифни улар хукмронлигидан халос этишди.

Жалолиддин сафдоши, машхур муаррих Шихобиддин Мұхаммад ан-Насавий эса «Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти» китобини ёзиб қолдирган ва китобда уни бундай таърифлайди:

«У довюракликда тенги йўқ, шерлар ичида шер эди. У камтарин, жиддий одам эди. Жаҳлдор эмасди, ўз атрофидагилар олдида ўзини жуда яхши, сипо тутар эди. У кўп гапирмасди, кулмасди, аҳён-аҳёнда жилмайиб қўярди. Уadolatпарвар эди, ўз фуқароларига нисбатанadolatли бўлишга интилар эди, уларнинг оғирини енгиллатишни истарди».

У ўз даврининг буюк баҳодири эди.

## МУНДАРИЖА

Она қарори.....	3
Устоз ўгитлари.....	4
Биринчи тўқнашув.....	10
Ҳарбий кенгаш.....	13
Бўлинганни бўри ер.....	15
Кечиккан эътироф ва Муҳаммаднинг армони.....	18
Хиёнат.....	21
Чингизхон тан берган саркарда.....	24
Мусулмонлар султони.....	26
Тақдир ўйини.....	32
Гуржистондаги ғалаба.....	32
Гуржиларга узатилган қўл.....	34
Туркон хотуннинг кибри.....	35
Маликанинг таклифи.....	36
Мўғуллар эътирофи.....	39
Қилмиш-кидирмиш.....	40
Интиқомни енгган қалб.....	41
Қабоҳат курсовида.....	43
Оқ тулпорнинг ўлими.....	45
Абадият.....	50

Адабий-бадиий нашр

Ҳамдам Содиқов

**СУЛТОН  
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ**  
*Tарихий қисса*

Мұхаррир *A. Мұхамеджанов*  
Рассом *A. Мақкамов*  
Мусаҳҳих *M. Йўлдошева*  
Дизайнер *A. Фозилов*  
Саҳифаловчи *D. Цыпушкина*

ИБ № 89

Босишига 10.08.09-йилда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Ҳажми 3,38 б.т. Адади 4000 нусха. № 217 буюртма. № 125 шартнома.

«ART FLEX» нашриёти.  
100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

МЧЖ «Toshkent Tezkor Bosmaxonasi»да чоп этилди.  
100200, Тошкент, А. Раҳмат қўчаси, 10.